


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАНШАБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил октябр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Покистон Ислам Республикаси Президенти Фарух Аҳмад Хон Легҳарий 18-20 октябр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш масалаларига

бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазирининг биринчи уринбосари И.Журабеков бошқарди.

• Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида мазкур уюшма, «Ўзбекистон — Вьетнам» ва «Вьетнам — Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари уртасида 1996-97 йилларда ҳамкорликни йулга қўйиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

• Оқ уйда Ўзбекистон Республикасининг янги элчиси Содиқ Сафоевнинг АҚШ Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиғи топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент Клинтон икки мамлакат уртасида сиёсий,

иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик кенгайитганлигидан мамнунлигини билдирди.

• Германия Федератив Республикасининг йирик саноат, савдо ва молия маркази бўлиш Гамбург шаҳри ишбилармон доиралари вакиллари делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди. Шу муносабат билан Тошкентдаги Амалий алоқалар марказида республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун учрашув уюштирилди.

• Республика ёшларининг «Камолот» жамғармасида ёшлар тadbиркорлиги соҳаларини

кенгайтиришга қаратилган инновация-технология тараққиётига доир tadқиқотлар дастури ишлаб чиқилди. Бунда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик ва урта бизнес корхоналарида янги, илғор технологияларни ўзлаштиришга эътибор қаратилган.

• Тошкентда Европа Иттифоқининг таъсис дастури доирасида Марказий Осиё давлатлари божхона тизимининг давлатлари божхона тизимининг вакиллари иштирокида семинар иш бошлади. Унда Европа божхона ташкилоти, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Мўғулистон,

Тожикистон ва Ўзбекистон делегациялари қатнашмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қарори ҳудудларда қандай бажарилаётгани, айрим корхоналар бўйича иш ҳақининг базавий фондини ошириш ҳақидаги ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

ЎзА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

УШБУ СОНДА:

3-бет:

Амир Темурнинг 660 йиллиги

5-бет

Феруза-бону
(раққоса Феруза Солиҳова билан суҳбат)

8-бет:

Томдан тушолмайман

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Аппжон САФАРОВ:

Тушларида кулган қизалоқ

Икром ИСКАНДАР:

Она қасди — даҳшат

Басира САЙИД АЛИ:

Худодан қайтгани шумикан?

АХБОРОТ

МЕХНАТ ШАРОИТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари комплексининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Гуломова бошқарди.

Йиғилишда «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаларининг 1996 йил 9 ойлик иш натижалари ҳақида»ги ҳамда «Халқ ҳўжалиги тармоқларида фаолият курсатаётган хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида Андижон ва Хоразм вилоятларининг хотин-қизлар билан ишлаш шўъбалари томонидан кўрилатган чора-tadbirlari тўғрисида»ги масалалар муҳокама этилди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Хаёл олиб кетди дилимни



ГАЗЕТХОНЛАР!

Республикаимиз ва хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларига 1997 йил учун обуна бошланди. Агар Сиз турли мавзулардаги қи-

зиқарли мақолалар, хабарлар, фойдали маслаҳатлардан бебаҳра қолмай десангиз,

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

«Оила ва жамият» Сизнинг дилкаш ҳамсуҳбатингиз, сирдошингиз ва дўстингиз бўлишга қодир газета!

АЗИЗ

Муассислар фаолиятдан

ЭЗГУ НИЯТЛАР ЙЎЛИДА

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг Бухоро вилоят бўлими жорий йилда бир қатор тadbирларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, январ ойининг узида соғлом ва баркамол авлоднинг шаклланишига қаратилган тadbирлар учун 70811 сум сарфланди. Шунингдек, вилоятдаги тиббиёт институтининг қизлар ётоқхонасини газлаштириш учун 35 минг сумлик вексел, вилоят туғруқхонасига «Кювез» замонавий аппарати берилди. Вилоят таъқвандо марказини ҳомилигига олган жамғарма уларга 26 минг сумлик (100 комплект) спорт кийимлари тақдим этди.

Мустақиллиқнинг 5 йиллиги муносабати билан Олот туманидаги Бегиевлар хонадонининг 1 ёшга тулган 3 эгизак қизалоқларига 600 сумлик дори-дармон, минг сумлик кийим-кечак, 70 килограмм ун ва 10 қўти сутли аралашмалардан бердик. Қолаверса, 5 сентябрда эгизаклар ўртасида «Энг оқил тафаккур» номли танлов ўтказилиб, қизларга 10 минг сумлик совға-салом инъом этилди.

Ёзги оромгоҳларда «Соғлом авлод

учун» шиори остида кўрик-танлов ўтказилди. Ушбу тadbирни ўтказиш, голибларни тақдирлаш учун 110 минг сумлик маблаг сарфланди.

Жамғарма ҳомилигидаги 30 ўринли «Богимусо» оналар ва болаларни соғломлаштириш маркази замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиёзланган. Жамғарманинг вилоят бўлими Пешку туманидаги бу таянч нуқтасига мунтазам равишда дори-дармон ва керакли ёрдам етказиб турибди.

8-10 сентябрда вилоятда таъқвандо бўйича республика турнири ўтказилиб, жамғарманинг вилоят бўлими совриндорларга 50 минг сумлик совгалар ажратди.

Вилоятда 12 июндан иш бошлаган «Амбуланс» 15 июлгача 406 нафар оилани кўриқдан ўтказди. Шу муддат ичида туғиш ёшидаги 350 нафар аёл, шунингдек 630 нафар болалар, 66 нафар қаришлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, кераклича муолажалар кўрсатилди.

Соня ҚОДИРОВА,

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими бошлиғи

Сурхон томонларда

«РАББИМ»НИНГ БЎРСИЛДОҚ НОНЛАРИ

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими қошида «Раббим» савдо ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Бу ердаги кичик цехда ҳар куни минг донга булка нон ишлаб чиқарилиб, дуконларда сотилмоқда. Ишлар яхши йўлга тушгач, корхонада ҳар хил ширинликлар ҳам тайёрлаб, эл дастурхонига тортиқ қилиш кўзда тутилмоқда.

АМАЛДАГИ ХАЙРИХОҲЛИК

Жамғарманинг вилоят бўлими Шеробод туманидаги «Аёл ва бола» мурувват уйи билан доимий алоқа ўрнатган. Бу ердаги оналар ва болаларнинг ҳолидан бохабар бўлиб, уларни бепул дори-дармон, кийим-кечак билан баҳоли қудрат таъминлаб туришни бўлим ходимлари одат қилиб олишган. Бўлим яқинда бу мурувват уйига биринчи тиббий ёрдам учун асқотадиган етти хилдаги дори-дармон ҳада қилди.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ

Бугун фарғоналик ногиронлар учун байрамга айланди. Уларни Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти раисининг уринбосари Болу Шанкаран бошчилигидаги малакали ортопедлар йўқлаб келишди.

Вилоят ногиронлари учун протез ва оёқ-кийим тайёрловчи «Уста» жамоа корхонасида ана шу ташриф муносабати билан маросим ўтказилди. Мазкур жамоада ногиронлар учун ҳар хил мосламалар, протезлар ишлаб чиқарилмоқда. Лекин бу аҳоли эҳтиёжини тўла қондира олмайди.

ҲИНДИСТОНЛИК ПРОФЕССОРНИНГ ҲИММАТИ

Профессор Шанкаран протезлар сифатини яхшилаш, янги технологияни жорий этиш билан бирга, Фарғонада ортопедия соҳасини ривожлантириш учун реабилитация маркази ташкил этиш хусусида гапирди.

Ҳиндистонлик биродарлар ногиронларга оёқ кийимлари, култиктаёқлар ҳамда аравачалар ҳада этишди.

Ўз мухбиримиз

ГЎЗАЛЛИК МАСКАНИ

Кўҳна ва навқирон Тошкент бўйлаб кезасан. Шаҳарнинг тобора гўзаллашиб бораётганлиги дилни қувонтиради. Шаҳардаги катта-ю кичикни ўзига жалб қиладиган, уларга баҳра бера оладиган масканлардан бири, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Бог Эрам» маданият ва истироҳат богидир.

... Салобатли дарахтларга бои бўлган ушбу боққа ташриф буюрган киши руҳий енгиллик сезади. Бог болалару ота-оналар билан ҳамиша гавжум. Ҳар шанба ва якшанба кунларида бог раҳбарлари томонидан уюштирилаётган тadbирлар ҳам богнинг гавжумлигига сабаб бўлмоқда.

— Богимиз шахримиздаги энг кўҳна истироҳат масканларидан бири саналади,

— дейди бог раҳбари Содиқ ака Собиров.

— Кишилар меҳнатдан буш пайтлари, асосан ҳафтанинг дам олиш кунлари богимизга ташриф буюрадилар. Уларнинг кўнгилли дам олиши учун эса, биз

қўлимиздан келган барча имкониятларимизни ишга солиб, меҳнат қилмоқдамиз. Шу мақсадда богимизда турли концертлар уюштириб, ҳар хил мусобақалар ташкил қилаёмиз. Мана яқинда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб катта тadbир ўтказдик. Келгусида ўтказмоқчи бўлган тadbирларимиз ҳам талайгина.

Дарвоқе, кўнгилга ҳаяжон солувчи яна бир нарса шуки, шанба ва якшанба кунлари бог дарвозаси олдида карнай-сурнай садолари янграб, халқни бог сари чорлаб туради. Бу қадим урф-одатларимизга, миллий қадриятларимизга бўлган улкан ҳурматдир.

Ўтказилаётган тadbирларнинг ҳаммаси бог кўркини кўтариш, халққа яхши ҳордиқ ато этиш ниятида қилинаётибди.

Ўстаи ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳри

«СОЧИ УЗУН ҚИЗ»

Тadbиркорликка кенг йўл очиб берилгач, туманимизда хотин-қизларнинг фаолияти янада жонланди. Жумладан, бугунги кунда яқка тартибдаги савдо соҳасида 28 нафар, деҳқон-фермерликда 26 нафар тadbиркор аёл иш юритаётган бўлса, 9 нафар аёл кичик корхоналар ташкил этиб, тумандаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имкон қадар улуш қўшиб келмоқдалар.

Бу йил туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Тadbиркор банк», «Камолот» жамғармаси ҳомилигида кам таъминланган оилаларнинг 14 нафар фарзандларига суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг ҳар қайсиси номига 100 сум миқдорида пул қўйилиб, ҳисоб дафтарчаси очилди.

Қувонч билан айтиш мумкинки, Пешку туманида оилавий жанжаллар, ажралишлар кам. Бу борада ўтказилаётган тadbирлар ўз самарасини бераёпти, деб ўйлайман. Жумладан, «Бахтли бўлинг, келин-куёв» кўрик-танлови ана шу мақсадга йўналтирилиб, унда 12 жуфт келин-куёв қатнашди. Шунингдек, «Намунали уй бекаси», «Маҳаллаимиз қизлари», «Қизлар — оила саодати» каби қатор тadbирлар ҳам ўтказилди.

Яқинда «Сочи узун қиз» номли кўрик-танлов уюштирди. 9 нафар қиз қатнашган бу танловда голибга полос, 2, 3-ўрин соҳибаларига соат совға қилинди.

Туманда хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш ниятида «Ситора» номли хотин-қизлар марказини ташкил этмоқчимиз. Умуман олганда, қиладиган ишларимиз, режаларимиз ҳали бир талай.

Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА,

Пешку туман хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари



ЗАРВАРАҚЛАРДАГИ ЖИЛО



1943 йил тўсатдан мактаб директорини урушга олиб кетдилар. Шунда бугун бошли бир мактаб эндигина 17га тулган Саломатхонга қолди.

Аммо серғайрат қиз бу масъулият олдида заррача эсанқирамади. Ишни бемалол эплаб кетди.

Саломат опа мукаммал билим эгаллаш мақсадида даставвал Тошкент қизлар педагогика билим юртида тахсил олади. Интилиши, изланиши чегара билмаган опа Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга киргач, психологиядан, педагогикадан илмий ишлар қила бошлади. Ўқишни тугатгач эса мазкур олийгоҳнинг педагогика кафедрасида ўз фаолиятини давом эттирди.

Ахлоқ, тарбия борасидаги илмий мақолалари жамоатчиликда қизиқиш уйғотди. Сабаби, унинг монографиялари бола тарбияси, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва бошқа долзарб мавзуларни ўз ичига қамраб олган эди.

Саломатхон опа бола руҳияти ҳақида тўхталар экан, мактабда синф раҳбари ва ўқувчи муомаласи қандай бўлиши кераклигини илмий равишда асослади.

Саломатхон опа

педагогика соҳасига қаттиқ киришиб, ўқитувчиларни тайёрлаш каби масъулиятли ишга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада изланишлар олиб бориб, ҳатто қўлланмалар ва дарсликлар ёзди. «Педагогика», «Ўқитувчилик ихтисосига кириш» каби дарслик ва қўлланмалар шулар жумласидандир. Қолаверса, яқинда унинг раҳбарлигида педагогика курсини ўқитишнинг янгилаш дастури чоп этилди. Ҳозирда ҳамкасблари уни 80дан ортиқ илмий ишлар муаллифи сифатида тан олишади.

Саломатхон опа Темурова иш фаолияти давомида юзлаб шоғирлар, 10дан зиёд фан номзодлари тайёрлади. Ж. Холиқова, Э. Давидов, Кабардина, А. Мусурмонов, Н. Бозорова каби илм фидойилари Саломатхон опадай устозлари борлигидан фахрланишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, опанинг 3 нафар қизи ва бир ўғли бўлиб, қизларнинг бари сууюкли онажонларининг касбини эгаллашган. Шириндан-шакар 13 нафар набира эса Саломатхон опанинг бағрини тўлдириб, нурунийлик фаслига зеб беради.

Мана, Саломат опа 70 йиллик сермазmun умр давоини ҳам забт этдилар. Аслида опанинг ҳаёт китоби зарварларига жило берган нарса — бу унинг халқимиз учун қилган эзгу ишлари эканлигини ҳис қиласан. Илоҳим, Саломат опанинг эзгуликка татиган умр йўли узун бўлиб, қўзларида нуруний кексалик кулиб турсин.

Ойиса МУСУРМОНОВА

Оланда ган кўп

ИТ ВАФО, ФАРЗАНД ЖАҒО(МИ)?

Хюстон шаҳрида истиқомат қилувчи эр-хотин Рэй ва Паула О'Маралар шундай фикрда. Шунинг учун улар бўлажак фарзандларини тугилиши билан «Болалар уйи»га беришмоқчи.

— Бизнинг иккита пудел насли кучугимиз бор, — дейди Паула. — Улар жуда чиройли, гапга кирадиган, озода қўчқардир. Боланинг эса турган-битгани ташвиш. Ҳали тагини ҳўлаб қўяди, ҳали овқатини тўкиб юборган. Хўллас, биз учун итларимиз боладан афзал.

1336 Амир Темур: «Адолат ва яхшилик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» 1996



«Бундан кейин сизнинг одамларингиз бизнинг ерларимизга ва бизнинг кишиларимиз сизнинг улкангизга утган аждодларимиз давридагидек бориб-келиб турсалар, сизнинг ва бизнинг номимизни ҳамма жойда олқишлаб турсалар, мамлакатимиз савдогарлари учун фойда келтиришса, кўп хурсанд бўлар эдик. Шунини ҳам айтиш керакки, эндиликда бизнинг юртимизда савдогарларингизнинг хавфсизлиги таъминланади».

(Амир Темурнинг 1402 йил августда Франция қироли Карл VIга йўллаган мактубидан)

«Ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларининг бир-бирлари билан илгариги, аждодларимиз даврида бўлганидек, учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамиз».

(Англия қироли Генрих IVнинг 1403 йил июнда Темурга ёзган хатидан)

«ХАЛҚҚА РАҲМ-ШАФҚАТЛИ БЎЛДИМ...»

• «... ҳар бир фатҳ этилган мамлакатда у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик ейиш-ичишларини белгиласинлар. Барчаси тамғаласинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар шунда ҳам гадолик қилсалар, уларни узоқ мамлакатларга... ҳайдаб юборсинлар».

• «Яна амр қилдимки, ғаним томонидан бизнинг қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар, унга ихтиёр берсинлар. Бунга мисол, мен Қайсар билан урушда тўрт минг румлик аскарни озод қилдим».

• «Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса, ёсо бўйича жазоласин».

Кимки бировнинг молини зўрлик қилиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан тортиб олиб, эгасига топширсинлар».

• «Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта ҳам гуноҳ қилса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар».

• «Деҳқонлар ва раиятдан қай бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғ ва асбоб беришсин. Агар фуқародан бирининг ўз иморати бузилиб, тузатишга қурби етмас экан, унга ёрдам беришсин».

• «Ҳеч кимдан уч олиш

мақомида бўлмадим. Тузумни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди».

• «Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлишга интилдим».

• «Раият аҳволидан огоҳ бўлдим. Улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим».

(«Темур тузуқлари»дан)

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАРАФАЙНИНГ ВАСИЯТИ

Ўғилларим, миллатнинг улуг мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузуқларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тadbик этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва яхшилик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узоқ салтанат сурмак истасангиз, қиличнингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чеккандан сўнгра-да, уни усталикка қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумларини сочмакка, бундан фойдаланмакка интилажақлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг асоси — йўриқларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз, тож бошингиздан тушмас.

Ўлим тушагиде сўзлаган отангизнинг бу сўзларини унутмангиз.

Мендан сўнг ҳоқон Пирмуҳаммад Жаҳонгир бўлажак. Унга менга итоат этган каби итоат этингиз.

(Йиғилган бутун кўмондонлар, сарой одамлари йиғлаб туриб юзларига фотиҳа тортидилар. Темурнинг сўнгги сўзлари «Ла илоҳа иллоллоҳ» бўлди)

АМИР ТЕМУР МАРСИЯСИ

Буз чодиринг фалакким, султон ўлди гойиб,
Тун ичра эрди чун моҳи тобон бўлди гойиб.

Ёруқ жаҳон кўёши, ислом элининг боши,
Дин эрди куб талоши, даййан ўлди гойиб.

Оламни қилди дарбар, Соҳибқирон Скандар
Соний демиш эронлар, ёрон ўлди гойиб.

Дин эрди жустужўси, шаръи эрди гуфтуғўси,
Миллатнинг обрўси, бурҳон ўлди гойиб.

Нуширвондек одил, ҳам олим эрди, фозил,
Ҳар ишга ақли комил, фарзон ўлди гойиб.

Давлатда ким Сулаймон, фитратда чун Фалотун,
Ҳикматда эрди гўе Луқмон ўлди гойиб.

Эҳсонда мисли Ҳотам, шавкатда эрди чун Жам,
Зурликда ҳам чу Рустам, паҳлавон ўлди гойиб.

Гайратда мисли арслон, дашт ичра ёки қоплон,
Баҳра наҳанг-у савбон, шуҷоъбон ўлди гойиб.

Фарзанди аҳли нуён, Турағай баҳодур ўғли,
Саййид Амир Темурхон Кўрагон ўлди гойиб.

(Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асаридан олинди)

«БҮЮК СОҲИБҚИРОН ҲИКМАТЛАРИ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Аввал қуйида келтирилиб, рақамларда ифодаланган буюк соҳибқирон Амир Темурнинг доно ҳикматларидаги сўзларни топиб очкиччи ҳал этинг.

1. Тил қиличдан 23, 15, 11, 3, 5.
2. Бирликсиз 11, 22, 17 бўлмас.
3. Кечира олишлик 6, 2, 5, 21, 8, 3, 11 кечира билмаслик номардлик саналади.
4. Сўзлагувчи гар нодон 24, 5, 22, 5, тингловчи доно бўлсин.
5. Аввал йўлдош — кейин 18, 23, 8.
6. Адоват эмас — адолат 14, 9, 7, 2, 21, 3.
7. Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, 13, 2, 10, 3, 9, 2 ва лашкар билан тирикдир. Доно вазир ҳар уччаласини табдиркорлик билан яхши аҳволда саранжом тутати.

8. Ишон — аммо 20, 22, 4, 12, 2 қил.

9. Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва 2, 19, 8 идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ургатувчи мураббийдир.

10. Булар одам ёшида 4, 21, 20 бўлар. Бўлмас одам қирқда ҳам ёш бўлар.

11. Биз ким — мулки Турон, Амири Туркистонмиз.

Биз ким — миллатларнинг энг қадимий ва энг 22, 8, 22, 16, 3 туркнинг бош бўғинимиз.

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сўзларидаги тааллуқди ҳарфлар билан алмаштириб муаммономони ечинг. Бунда Амир Темурнинг яна бир ҳикматли сўзи аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ



(Давоми.Боши ўтган сонларда)

Биринчи фасл. Тариқатда комил пирга эҳтиёж зарурати ҳақида Билгилким, тариқат йўлига кирган киши пирга эҳтиёжмандир.

Иккинчи фасл. Шайхликнинг шартлари тўғрисида

Билгилким, тариқат йўлининг қароқчилари кўпдир, улар нодон ва калтафаҳмларни ҳийла-найранг донаси билан макру фириб домига тушириш пайдадиллар. Шунинг учун раҳнамо бўла оладиган, пирлик (шайхлик) шарт-шароити ва рукнлари (асослари)ни яхши биладиган одамни пир, деб танлаш лозим, Мавлави Румий айтганидай, «одам қиёфасидаги иблислар кўп, бас шундай экан, ҳар кимга қўл бериб бўлмайди».

Агар «шайх» сўзининг маъноси нима, деб, сўрасалар, «шайх» деб лугатларда қари одамга айтадилар, деб жавоб бер. Аммо тариқат аҳли истилоҳда шайх деб ўзи камолот даражасини эгаллаган ва бошқаларни ҳам камолга етказишга қодир ва шайхлик шартлари, рукнларидан тула хабардор кишига айтадилар.

Агар шайхлик шартлари ва мурид сақлаш шароити нечта деб сўрасалар (бунинг) йигирмата шарт бор, деб айт. Шу шартларга риоя қилган киши камол пир ҳисобланади ва у мурид тарбиялаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу шартлар қўйидагилардир: биринчидан, (шайхликка даъвогар) одамнинг эътиқоди пок бўлиши керак, токи мурид унинг ақидасига эргашиб, тўғри йўлдан адашмасин. Иккинчидан, зурурий равишда илм эгаллаган бўлиши лозим, фақир ва тариқат илмини ҳам чуқур ўзлаштирган бўлсин. Муридда тариқатга тааллуқли ҳар қандай мушкул савол туғилганда, уни осонлик билан ҳал қилиб берадиган бўлсин. Учинчидан, ўз аҳдида устувор ва тариқат қоидаларини сақлашда

мустаҳкам туриб кун кечирадиган бўлсин, токи мурид тарбияси шартларига қатъий амал қилсин. Тўртинчидан, саҳий ва жавонмард бўлсин, токи муридни озۇқа ва кийим-кечак зарурати ташвишларидан ҳолос эта олсин. Бешинчидан, одамларнинг маломати ва фитнасидан қўрқмайдиган, руҳан шижоатли бўлсин ва ҳар кимнинг сўзига кириб, муридни рад этмасин. Олтинчидан, пок ва покдомон, ҳаёли-диёнатли бўлсин, номаҳрамларга қарамасин, токи мурид ундан бадғумон бўлмасин. Еттинчидан, олиҳиммат бўлсин ва мурид молидан тамаъ қилмасин. Саккизинчидан,

этин, ортиқча ҳирсу ҳавасга берилмасин. Ўн олтинчидан, виқорли, оғир ва тамкинли бўлсин, токи муридлар ичида ҳурмати сақланадиган бўлсин. Ўн еттинчидан, хотиржам ва осойишта бўлсин, шошилинч иш қилмасин, муридга аста-секин, оҳиста таъсир этиб, уни ўз иродасига бўйсундирсин. Ўн саккизинчидан, ҳайбат ва салобатни йўқотмасин, токи шуқуҳу шавкати мурид хотирасида сақланиб, унинг каломини шакл-шубҳасиз қабул этсин. Ўн тўққизинчидан, одобли бўлсин, токи мурид ҳам унинг ҳозиру гойибда ҳурмати бирдай сақлайдиган

Олтинчидан, ростлик ва бегараз дўстликини шир қилсин, ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккиюзламачилик қилмасин. Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаатини ва умум манфаатни ўз манфаатидан устун қўйсин.

Агар шайхлик меъёри нима, деб сўрасалар, бу — унинг қалбидан муриднинг чуқур жой олиши, мурид муриднинг ҳосил бўлишидир, деб жавоб бергил.

Агар шайхлик зарурати нечтадир, деб сўрасалар, тўртта деб айт: Биринчи — муридни барча ғам-андуҳ, зулматдан ҳалос этиш: иккинчи — муридга раво деб буюрилган қоидаларга ўзи ҳам амал қилиш, мурид учун манъ этилган нарсаларни ўзи тарк этиш; учинчи — ўзини бамисоли чўпон, муридларни эса рама ҳисоблаб, ҳар қандай шароитда ҳам мурид ҳимоясидан бош тортмаслик; тўртинчи — муриднинг молу мулкни ўз манфаати учун ишлатмаслик ва ўзлаштирмаслик.

Агар шайхлик исботи нима, деб сўрасалар, дарё каби саховатли бўлиш деб жавоб бер. Яъни, ҳеч бир вазиятда ўзгармасдан мустаҳкам туриш ва ҳамма нарсани фикр-андиша билан ҳал қилиш...

Агар шайхлик нури нима деб сўрасалар, бу — муридни куфр ва ширк (Аллоҳнинг шериги бор деб ўйлаш) зулматидан қутқариш ва уни ҳидоят йўлига бошлаб, нажот манзилига етказиш, деб айт.

Агар шайхлик одоби нима, деб сўрасалар, ҳеч кимга хиёнат қўзи билан қарамаслик ва барчага меҳрибон, раҳмдил бўлиш, деб айтгил.

Агар ҳақиқат пири ким, деб сўрасалар, бунинг аломатлари қўйидагилар деб жавоб бергил: тулларни беодор ўтказиш, илм урганиш, ёмонлар билан утирмаслик, ғийбат ва ёлғондан сақланиш, одамлар хурсандчилигини исташ ва шу хислатларни ўз муридларига етказиш.

(Давоми кейинги сонларда)

Хусайн Воиз КОШИФИЙ**ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ****Пир муридлик ва шунга алоқали нарсалар тўғрисида**

мушфиқ-меҳрибон бўлсин, муриддан марҳаматини дариг тутмасин. Тўққизинчидан, ҳалим бўлсин, токи муриднинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан жаҳли чиқмасин. Учинчидан, кечиримли бўлсин, мабодо мурид томонидан тариқатга номуносиб ҳаракат содир бўлса, авф эта олсин. Ўн биринчидан, ҳулуку ҳўйи ёқимли, латиф бўлсин, токи мурид унинг суҳбатидан дағал одамга айланмасин. Ўн иккинчидан, қўли очик бўлсин, узидан орттириб муридга етказа олсин. Ўн учинчидан, қарамли бўлсин, токи баланд ҳиммат орқали муридни узидан баҳраманд этолсин. (Тариқат аҳли «қарам», «ҳиммат» деганда Илоҳ йўлидаги жидду жаҳд, орифона тарбияни назарда тутадилар — таржимон). Ўн тўртинчидан, моҳир мураббий бўлсинки, муридни тарбиялай олсин. Ўн бешинчидан, ризо ва таслим (итоаткорлик)ни шир

бўлсин. Йигирманчидан, комил муриднинг хизматини ўтиб, унинг тарбиясини олган бўлсин, токи ўз пирларидан олганларини муридларига сарфлай олсин.

Агар шайхлик рукнлари нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил. Биринчидан, комил маърифат эгаси бўлсин, яъни ўзини таниган бўлсин. Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғай олсин. Учинчидан, етук руҳий-маънавий қуввати бўлсин, токи мурид (тариқат йўлида адашса), унга маънавий мадад бериб, мушкулени осон қилолсин; тўғри йўлга солсин. Тўртинчидан, етарли даражада эркин одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва таъмани тарк этсин, мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин.

АРПА НОНИ

Сувайд бин Гафла шундай ҳикоя қилади: Бир куни ифтор вақтида Ҳазрат Алининг уйига келдим. Улар уйда утирган эдилар. Олдиларида бир коса сут ва бир бурда қотган арпа нони турарди. Улар қотган нонни қийналиб ушатардилар ва сутли косага солардилар. Биби Фотиманинг хизматчиси Фазиҳ ҳам у ерда қандайдир иш билан банд эди. Секингина унга дедим:

— Сен нега уларга яхши

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

қарамаяпсан? Нега нондаги арпанинг пўстлари олинган?

Фазиҳ деди:

— Ўзлари шундай бўлишини хоҳлаганлар. Сиз мени айбдор деб ҳисоблаяпсизми?!

Суҳбатни эшитиб турган Ҳазрат Али қуддлар ва дедилар:

— Ота-онам шундай қилишарди.

Улар ҳеч қачон пўсти олинган арпа нонини емасдилар, ҳатто бугдой нонини уч қундан ортиқ тановул қилмасдилар. Уларнинг йўллари Расули ақрам (С.А.В.) билан муштарак эди.

АДОЛАТЛИ ҲУКМ

Икки киши сафарга чиқшган эди. Тушлик қилиб олиш учун бир жойга ўтиришди. Уларнинг бирида бешта нон, иккинчисида учта нон бор эди. Нонларни дастурхонга қўйишди. Шу пайт бир йўловчи келиб қолди. Салом-алик қилишгач, уни ҳам дастурхонга таклиф қилишди. Йўловчи ҳам улар билан бирга ўтирди ва деди:

— Пулим бор, аммо ейишга ҳеч нарсам йўқ.

Улар бирга нон ейишди, чой ичишди. Кейин йўловчи саккиз дирҳам пулни дастурхонга қўйди ва деди:

— Сизларнинг яхшилигингиздан беҳад хурсандман. Мен бу пулга нон сотиб олмоқчи эдим. Энди эса уни сизларга ҳадя қиламан.

Шуларни айтиб у ўз йўлида

кетди. Пулни тақсимлашда ораларида ихтилоф пайдо бўлди. Бешта ноннинг эгаси деди:

— Беш дирҳам меники, уч дирҳам сенга, чунки сенда учта нон бор эди.

Учта ноннинг эгаси деди:

— Йўқ, пулни тенг бўлишамиз.

Иккаласи ҳам бир битимга келолмай жанжаллашиб туришганда у ердан Ҳазрат Али ўтиб қолдилар. Улар Ҳазрат Алига арз қилишиб, ҳукм чиқаришларини сўрашди.

Ҳазрат Али учта ноннинг эгасига қараб дедилар:

— Сен уч дирҳамни олгин-да, рози бўлгин.

У деди:

— Йўқ, адолатли ҳукм чиқаришингизни сўрайман.

Ҳазрат Али қулиб дедилар:

— Агар ҳақиқат бўлишини истасанг, сенинг улушинг бир дирҳамдир.

У эътироз билдирмоқчи эди, Ҳазрат Али ўз фикрларини баён қилдилар:

— Мен сенга насиҳат қилиб айтдим, уч дирҳамни олгину рози бўлгин, дедим. Аммо сен адолат бўлишини истаяпсан. Унда бешта нон бор эди, сенда эса учта. Ҳаммаси саккизта нон бўлади. Агар уларни уч (киши)га кўпайтирсак, йигирма тўрт булак ҳосил бўлади. Унда бешта нон бўлгани учун саккиз қисмини ўзи еди, етти қисмини меҳмон еди. Сенда учта нон бўлгани учун саккиз қисмини ўзинг единг, бир қисмини меҳмон еди. Агар одилона ҳукм чиқарадиган бўлсак, саккиз дирҳамдан етти дирҳами

ўртоғингизкидир. Бир дирҳам эса сенинг улушингдир.

У киши роса ўйлаб Амиралмўминнинг аввалиги насиҳатларига кўнмаганига пушаймон қилди ва деди:

— Ё Али! Ҳар қанча зарар қилган бўлсам, ўзимга ўзим қилдим. Сизнинг адолатли ҳукмингизга розиман.

ЧАКИМЧИЛИК — ИЛЛАТ

Бир киши Ҳазрат Имом Сажжод қўшига келиб деди:

— Фалон шахс кеча сиз ҳақингизда ҳар хил ёмон гаплар айтди. Сизга кўп тўхматлар ёғдирди.

Имом Сажжоднинг дўстларидан бири сўради:

— У кўпчилик орасида сўзладими?

— Йўқ, мени қақириб айтди.

Имом Сажжод дедилар:

— Ғийбат тўхматлар учун худонинг олдида жавоб беради. Ҳар бир яхши-ёмон ишнинг мукофоти бор. Ҳеч ким ёмонларнинг тўхматидан омонда эмас. Ҳатто Расулulloҳга ҳам тўхматлар ёғдирган. Аммо сен ҳам яхши иш қилмадинг, чунки бизга бу хабарни олиб келдинг. Биринчидан, суҳбатдошинга хиёнат қилдинг. Иккинчидан, бизга ҳам дилозорлик қилдинг, ваҳоланки, биз бу сўзларни эшитмаган эдик. Бундан бўён қақимчиликдан парҳез қил! Шунинг яхши билгинки, агар киши одамларнинг айбини бошқалар орасида айтиб юрса, ўзи гуноҳқор бўлиб қолади.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади



«ФЕРУЗА — БОНУ»



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Солиқовани яхши танийсиз. У рақс санъатимизга бир юлдуздек чақнаб кириб келди. Раққосанинг кўп сонли мухлислари илтимосига биноан яқинда уни тахририятимизга таклиф эдик. Қуйида мухбиримиз Басира САИД АЛИНИНГ санъаткор билан қилган суҳбатини ҳавола этамиз.

Истаймизми, йўқми; ҳар кун ишдан келиб, телевизор кўйиб, қўл сўнг кундалик тирикчилигимизга «шўнғиймиз». Шу пайтда бирданга кўнглимизга ёққан санъаткорлардан бири чиқиб рақсга тушса ёки қўшиқ айтса хурсанд бўламиз ва...

— Ҳой, секинроқ гапиринглар!

— Илтимос, жим утиринглар! — деб фарзандларимизга танбех берамизда, сеҳрлангандек экрандан кўз уза олмай қоламиз, ўзлигимизни унутамиз, қўшиқ ёки рақс тугагандан сўнггина ўз дунёмизга қайтамиз...

Шу бир неча дақиқалик маънавий хузурлини кучимизга қўқиб юборади. Беҳтиёр уша қўшиқни ё куйни хиргойи қилганимизча уй-рўзгор юмушларини уйнаб-қулиб баҳариб қўяганимизни сезмай қоламиз. Мана санъатнинг хизмати. Энди бундай

нафосатни сизга ана шундай моҳирона етказа олган санъаткорнинг машаққатли ва нозик меҳнатини тасаввур қилиб кўринг...

— Санъатга кўнглидаги меҳрсиз кириш қийин, — дейди Ферузахон. Мен санъатга эрта меҳр қўйганман. Шуниси қизиқки, бу оламга кирган киши қайтиб чиқа олмайди. Сабаби, бунда ўзига тортувчи бир сеҳр борки, у кишини бир умрга банд қилади. Раққоса бўламан, деб Тошкентдаги хореография билим юртига ўқишга кирганим. Қарангки, 15 йил ҳам ўтиб кетибди. Бу йилларга қанчалик изтиробларим, меҳнатларим сингган, албатта, қўвончлар, шодликлар ҳам кам бўлмади.

— Ферузахон, кечагидек ёдимда, биринчи марта О.Отажонов ихро этган «Бир сенсан-бири ман» қўшиғига рақсга тушган эдингиз-а? Қўшиқ чиройли, сизнинг рақсингиз ундан ҳам чиройли эди. Ушанда саҳнага гуллар ёғилиб, барча томошабинлар ўринларидан туриб кетишганди. Шундан буён анча рақслар яратиб эл оғзига тушдингиз...

Феруза уйланади: Балки шу лаҳза кўз олдидаг илк бор саҳнага чиқишдаги бўлган ҳаяжону-изтироблар утгандир. Мен эса бир неча йиллар муқаддас талабалар байрамида санъат саройида бўлган

концертда афгон хонандаси А.Зоҳирнинг «Феруза-бону» қўшиғига саҳналаштирган рақсини эслайман. Ушанда Ферузани ҳақиқий афгон раққосасидан ажратиб бўлмасди. Ёдимда! У ойнаи жаҳонда пайдо бўлиб танилганида, унинг ҳуснига, рақсига ҳавас қилган кўпчилик мухлислар оиласида қиз туғилса, исмини Феруза қўя бошлашди.

Бир марта телевизор орқали Феруза ҳақида берилган курсатувларнинг бирида унинг қайнонаси: «Ўғлим Ферузани танлаб, унга уйланаман, деганида санъатни тушунганим учун баъзилардек танлаганим санъатчи экан деб, қараб ўтирганим йўқ. Тўй-ҳавас билан олиб берганман. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, келиним жуда яхши, уйда уй бекалигини, ишда ишини қилади, набирамнинг меҳрибон онаси», — дегандилар. Ҳозир Ферузанинг қизи Ҳилола мактабга боради. Ўғли Бобур ҳам анча катта бўлиб қолди. Феруза оиласи ҳақида ички бир оналик меҳри билан сўзлайди.

— Инсон ҳаётда ўз қилаётган ишини севиши керак. Касбим, яъни раққосалигим кимгадир енгил ишдек туюлар. Ҳамма гап шундаки, касбимни севаман. Лекин оиламни, фарзандларимни ундан яхши кўраман. Улар учун санъатдаги кўп нарсадан воз кечишга тўғри келган. Бундан афсусланмайман. Ҳар ҳолда оиламни ҳамиша ҳамма нарсадан устунроқ ва муқаддасроқ деб биламан.

Ферузанинг гапларига қўшиламан. Оила тинч-тотув бўлганидан кейин яшашга, ижодга, янги рақслар яратишга бўлган иштиёқ ҳам ортади. Санъаткор қуринмай қолса, уни мухлислари эслаши, излаши

катта бахт. Шу йили 31 майда Феруза Мухриддин Холиқовнинг концертида саҳнада пайдо бўлганида, томошабинлар уртасида қандайдир жонлиниш пайдо бўлди:

— Феруза Солиқова чикди.

— У қаерда эди? — деган гаплар залда эшитилди.

Мен ўша томошабинларнинг бири эдим. Ушанда Ферузанинг қаердалигига мен ҳам кўпроқ қизиққан эдим. Ўғли Бобур билан, унинг тарбияси билан банд экан. Деярли уч йиллик танаффусдан сўнг яна ижод қила бошлади. Устози Вилоят Оқилова билан биргаликда яқин кўнларда яратган иккита — ўзбекча ва хоразмча рақслари мухлисларга тақдим этилса керак. (Ўйлаймизки, «Илтижо», «Ҳилола» рақслари каби улар ҳам ўз мухлисларини топади).

Айталик, Феруза омадли санъаткорлардан.

Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, санъатни қўқур тушунган Вилоят Оқиловадек тажрибали санъаткор устозлик қилади.

Халқимизда устоз отангдан улуг, деган гап бор. Вилоят опа нафақат саҳнада, ҳаётда ҳам талабчан.

— Шогирдларим жуда кўп, аммо Ферузага бўлган меҳрим ўзгачароқ, — дейди Вилоят опа. — Ойлада ҳам тўнғич фарзандга нисбатан ота-онанинг меҳри бошқачароқ бўлади-ку! У менинг тўнғич шогирдим-да. Ишончимни оқлади, ҳар ҳолда. Саҳнада ҳам, оилавий ҳаётда ҳам ўз ўрнини топа олди. Рақслари, умуман, санъати

мухлисларини топди. Яна нима дейишим мумкин. Шогирдимнинг камолотга етишида ўз ҳиссамни қўша олганимдан жуда хурсандман, бахтиёрман дейди, Вилоят опа.

Вилоят опа ва Феруза билан суҳбатлашган чоғимда уларнинг бир-бирига муносабатларига, устознинг шогирдга қилаётган муомаласига ҳавасим келди. Ахир Ферузанинг рақсига мос кийимни тикиш учун Отчопардан мато изласа, кечалари турли безаклар, тиллақошларни ўзи тикса, бозордан кийимига мос туфлилар изласа... Ижодкор учун ана шундай устозга эга бўлишнинг улкан бахтлигини кўпчилик санъаткорлар яхши тушуна керак.

Омадинги берсин. Саҳнада қалбимизга заҳку-шавқ бағишловчи гузал ва жозибали рақсларини кутиб қоламиз, ФЕРУЗА!



САВДО ҲАДИСИНИ ОЛГАН АЁЛ



Тан олиш керакки, жамиятда аёлларимиз аралашмаган соҳа йўқ. Ҳатто бугунги кун аёли тадбиркорлик, ишбилармонлик каби функцияларни ҳам узида мужассамлаштира бораётганлиги кишини қувонтиради. Қисқаси, ҳам бола тарбияси, ҳам жамият ташвишларини елкасига ортган аёлга ҳавасим келади. Зухра опа Тешабоева ҳам ана шундай аёллар сирасидан. У савдо техникумини тугатгач, шу соҳада ишлай

бошлади. Устозларидан олган сабоги асосида иш фаолиятини бошлар экан, энг аввало савдо-сотиқ маданиятига эътиборини қаратди. Савдо ходимининг фаолиятини, иш моҳиятини белгилловчи восита — бу харидордир. Шунинг учун сотувчи муомала маданиятини яхши йўлга қўя олса, маҳсулотлар пештахталарда бежирим тахланган бўлса, уша дўконга барака кираверади. Қолаверса, инсоф сари барака, деган гап ҳам бу уринда муҳим ўрин тутди. Даставвал, ана шу мезонларга риоя қилиб иш тутган Зухра опа харидорларнинг кўнглига тез йўл топа олди. 1988 йилда Сирғали туманидаги ўзи ишлаётган

дўконга мудира этиб тайинланди.

1994 йилдан бошлаб эса ушбу дўконни хусусийлаштириб, ўглининг номи билан «Шухрат-Шоҳ» деб юрита бошлади. Ҳозирги кунда Зухра опанинг Қўйлик, Авиасозлар шаҳарчаси ва Сирғалида дўконлари бўлиб, уларда 40 нафарга яқин киши фаолият кўрсатади. Опанинг қўл остида ишлаётган барча ходимлари моддий манфаатдорликдан мамнун. Чунки Зухра опа савдо-сотиқдан тушаётган даромаддан сотувчиларига мунтазам равишда мукофот пули ажратади.

— Ўзбекистонда чиқаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳам хориж маҳсулотлари

билан рақобатлаша олади. Аммо бизнинг маҳсулотларнинг ёрлиғида товарни кўз-қўз қилиш етишмайди. Истардимки, қишлоқ хужалиги маҳсулотларини чиройли этикеткаларга ўраб чиқаришса, масалан, қовун, урик, шафтоли ва бошқа маҳсулотларнинг қуритилганини шу йўсинда тайёрлашса, харидоргир бўларди. Шу йўсинда аста-секин хорижий мамлакатларга ўз навбатида биз ҳам маҳсулотларимизни чиқара бошлардик. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари, консерваларнинг сифатини ҳам бир мунча яхшиласак, айти мунддо бўларди, — дейди бу ишбилармон

аёл биз билан суҳбатда.

Зухра опа банкда ўз валюта ҳисоб рақамини очиб, хорижий фирмалар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ниятида юрибди. Ҳали унинг ниятлари, орзулари кўп. Аммо нокамтарлик бўлади, деган андишада уларни биз билан ўртоқлашмади. Нимаям деймиз. Ишқилиб, чўрткесар, ишбилармон, тадбиркор бу аёлнинг омадини берсин.

Раҳматилла БЕРДИЕВ



Ҳуқуқшунос минбари

САВОЛ: Турмуш ўртоғим мендан олдин оиласи бўлиб, у билан ажрашиб кетган. Ундан бир ўғил фарзанди бор. Ўғлига алимент тулайди. Ана шу алимент маошидан ушланиши керакми ёки барча даромадидан?

б) Биз икки ёки уч, тўрт фарзандли булганимиздан кейин алимент миқдори камайтирадими?

в) Турмуш ўртоғим кексайганда алимент олган ўғли отаси учун алимент тулайдими?

ЖАВОБ: Никоҳ ва Оила кодексининг 96-моддасига асосан вояга етмаган болалар учун уларнинг ота-оналаридан алиментлар ота-оналарнинг барча даромадидан: бир бола учун — 25%, икки бола учун — 33%, 3 ва ундан кўп бола учун 50% миқдорда ундирилади. Ана шу вазифаларни улар бажармаган ҳолда, суд орқали суриштирилиб ундириб олинади.

б) Никоҳ ва Оила кодексининг 98-моддасида алиментни тулашга мажбур ота ёки онанинг вояга етмаган бошқа болалари бўлиб, уша болалар алимент олаётган вояга етмаган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлсалар, суд томонидан камайтириш мумкинлиги кўрсатилган.

в) Никоҳ ва Оила кодексининг 106-моддасида болалар ўз ота-оналари тўғрисида гамхўрлик қилишлари ва уларга ёрдам бериб туришлари шарт деб кўрсатилган.

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган (қаровчисиз) ота-оналарини таъминлаб туриш балоғатга етган болаларининг бурчидир. 108-моддага асосан меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарга болаларидан ундириладиган алимент миқдори суд томонидан ҳар ойда пул билан тулаландириш қатъий суммада белгиланади.

САВОЛ: Тунги иш соати неча соат? Тунги иш ҳақи қундузгига нисбатан кўпроқ туланадими?

ЖАВОБ: Кеч соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади. Ўта зарур бўлган ҳолларда, жумладан узлуксиз ишлайдиган ишлаб чиқаришларда қундузги иш вақти билан тенглаштирилади (М. Қ. К 59-модда 1-2 қисм).

Меҳнат Кодексининг 158-моддасида тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим барабар миқдорда ҳақ туланиши кўрсатилган.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда туланган ҳақ тариф ставкаларига қўшилмайди.

САВОЛ: Мен марҳум эрим Хайрулла Ортиқов билан 1995 йил сентябрь ойидан бошлаб қонуний никоҳдан утмай оилавий турмуш қурганман. Лекин у 1996 йил мартда автотранспорт ҳалокатига учраб, вафот этди. Уларнинг вафотидан сўнг 1996 йил июлида ўғил фарзандлик бўлди. Энди ўғлим Ёдгорнинг отаси Хайрулло

Ортиқов эканлигини қонуний йўл билан исботлашим мумкинми?

ЖАВОБ: Оталикни белгилаш Никоҳ ва Оила кодексининг 232-моддасига асосан суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ аниқланиши мумкин.

САВОЛ: Хонадонда тинтув ўтказиш тартиб-қоидалари қандай? Тунда тинтув ўтказиш мумкинми?

ЖАВОБ: ЎзРЖПКнинг 160-моддасига асосан тинтув ўтказишда ҳолислар, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва таржимон иштирок этадилар.

Тинтув ўтказиш жараёнида бу ҳаракат уйида ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Агар уларнинг иштирок этишини таъминлашга имкон бўлмаса,



тегишли ҳокимлик ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг маҳалла вакили таклиф қилинади.

Тинтув терговчи ёки суриштирув органининг асослангилан қарори асосида фақат прокурор санкцияси билан ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда шу ўтказилган тинтув ҳақида 24 соат ичида прокурорга хабар қилинади.

САВОЛ: Мен 1983 йилдан буён 1963 йилда туғилган Қодир Тиллаев билан қонуний никоҳдан утган ҳолда турмуш қуриб, бирга яшаб, умумий ҳужалик юритиб келдик. 1984 йилда туғилган бир ўғил фарзандимиз бор.

А й р и м сабабларга қўра, биз 1989 йилда ажрашиб кетдик. У ҳозирда бошқа уй-жойлик бўлиб кетган. Лекин биз яшаб турган уй ҳам унинг

номида. Мен уйни ўзимнинг ёки ўғлимнинг номига ўтказишим мумкинми?

ЖАВОБ: Уй эгасининг розилиги билан ўзининг ёки ўғлининг номига ўтказиш мумкин. Агарда уй эгаси рози бўлмаса, судга мурожаат этилади ва суд уй-жойдан ва хоналардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

САВОЛ: Фуқаро турар-жойда рўйхатда бўлиб, лекин шу жойда истиқомат қилмаса, уни ўзининг розилигисиз рўйхатдан учирса бўладими?

ЖАВОБ: Уй рўйхатида бўлиб, уша жойда яшамаса, рўйхатдан учирш тартиби: туман ва шаҳар паспорт бўлимларига мурожаат этилади, рад жавоби олинганидан сўнг, туман судига даъво аризаси билан мурожаат этиб ҳал қилинади.

САВОЛ: Трасологик экспертиза ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Криминалистика техникасининг соҳаси бўлган трасология (излар ҳақидаги таълимот) французча сўз бўлиб, «la trace» — из ва грекча «логос» — таълимот деган маънони англатади. Трасологик экспертиза — қўл, оёқ, кийим, тиш (одам тиши), бузиш қуроли жониворлар оёғининг изи, транспорт воситалари изларини текшириш билан шуғулланади.

Жиноятни текширишда трасологиянинг аҳамияти шундан иборатки: бунда жиноят содир бўлган жойда қолган излар билан гумон қилинган шахс, предмет излари оlinиб, уни таққослаш усулида экспертиза ўтказилади ва шу из қандай объектдан қолганлиги аниқланади.

Мухтор ЗОИРОВ,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани прокурор муовини



Дераза

«СИЧҚОН-96» ОПЕРАЦИЯСИ

Бангладеш кишлоқ ҳўжалик вазири мамлакат галла мустақиллигини таъминлашнинг ўзига хос усулини таклиф этди. Унинг ҳисоб-китобида қўра, сичқонлар ҳар йили далалардан 450 минг тонна донни нобуд қилар экан. Шунинг учун вазир «Ўлдирилган сичқон-96» умуммиллий тадбирини эълон қилди. Вазирликнинг ўнлаб мутахассислари кишлоқ аҳолиси ўртасида тадбирнинг аҳамиятини тушунтириш билан овора.

РАШҚЧИЛАРГА МАЗЗА!

Италия кассацион суди эр рашқ оловида ёниб туриб хотинини дўппосласа, бунинг учун уни жинсий жавобгарликка тортиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Ҳар ҳолда суднинг қуйи суд органларининг Франческо Ломбардонни хотинини дўппослагани учун 8 ой қамоқ жазосига маҳкум этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилганлигини шундай баҳолаш мумкин.

ХОТИНИДАН КЎРКМАЙДИГАН БОРМИ?

Германияда чоп этиладиган «Мэннер Вог» эркаклар журнали ўтказган сўровдан маълум бўлишича, немис эркакларининг аксарияти хотинларидан кўрқар экан. Жумладан, 92 фоиз эркаклар хотинлари ташлаб кетиши мумкинлигидан, 88 фоизи эса хотиндан кам маош олиб, унинг заҳарханда истехзоларини эшитишдан кўрқар экан.

«СИЗГА ТЕГСАН МАЙЛИМИ?»

Миср полицияси Садоқат Иброҳим Мухаммад исмли 27 ёшли аёлни ҳибсга олди. У 1987 йилдан бери олти марта турмушга чиққан ва ҳар гал ҳўжайинининг мол-мулкни олиб кўздан гойиб бўлган. Яшашнинг ва бойлик орттиришнинг мана шундай йўлини таълаган аёл энди одил суддан қочиб қутулолмаса керак.

КЎРИҚЧИЛАР

Россиядаги давлатга қарашли бўлмаган хавфсизлик (қўриқлаш) хизматининг энг мукаммали ва кенг тармоқлиси Инкомбанкка тегишли. Банкнинг қўриқлаш хизматида 400 га яқин юқори малакали мутахассислар ишлашади. Яқин орада банк қўшида қўриқчилар тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган клуб ташкил этилади.

ТОРЛИК ҚИЛИБ ҚОЛМАСАЙДИ

Свердлов вилоятининг Ивдел туманида ўта хавфли жиноятчилар учун махсус колония қурилмоқда. Унга олий ҳазога маҳкум этилиб, сўнг жазо умрбод қамоқ билан алмаштирилганлар ташланади. Колония 1,5 минг жиноятчиға муължалланган. Лекин жиноятчиликнинг Россиядаги бугунги аҳволига назар ташланадиган бўлса, яқин келажада у ҳам торлик қилиб қолиши мумкин.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ФАРМОН БУВИ МАСЛАҲАТЛАРИ

Дераза ойналарини шамол бўлмаган эрталабки салқин вақтда артиш керак, акс ҳолда ювилган дераза тез қуриб доғ тушиб қолади.

Кир бўлиб кетган дераза ойналарини ювишда илиқ сувга озгина новшадил спирти қўшилади. Совун, кир ювиш воситалари билан ойналарни асло ювманг, улар ойнани хира қилиб қўяди.

Дераза ойналарини уй кутаргандан кейин артинг.

Стол устига қопланган клёнка ёки линолеумни совунли сув билан ювиб, сунг тоза сувга латта хўллаб артиб қуритиш

керак. Ҳаддан ташқари қайноқ сув линолеум ва клёнканинг сиртига ва гулга зарар етказиши.

Клёнкани ювиб қуритгандан сунг, бир озгина усимлик мойи ёки вазелин суртиб, бир неча соатдан кейин жун латта билан артилса, уни майин қилади, еришидан сақлайди.

Линолеум ёки клёнкадаги ёғ доғлари утмас пичоқ билан авайлаб қучирилиб, ўрни совунли илиқ сув билан ювилади.

Гилам товланиб туриши учун сув қўшилган сирка ёки новшадил спиртига хўлланган латта, ёхуд хўл қарам барги билан артиш керак.

Мебел жуда ифлосланиб қолганда, бир оз совун солинган илиқ сувда хўлланган, юмшоқ чит латта билан ишқалаб артилади. Хира тортиб

қолмаслиги учун машина мойи суртиб, қуруқ латта билан артиш керак.

Чўткага пахмоқ, жун латта ураб, деворнинг пастидан юқорисига қарата текис юргизган ҳолда чангини олиш керак.

Гиламни арқонга тескарисини қилиб осиб, резинка таёқ билан уриб тозаланади. Гилам унгидан қоқиладиган бўлса туки тукилиб, зарарланиши мумкин.

Кузгу (ойна)ни офтоб нурлари тик тушмайдиган қилиб осиб керак, акс ҳолда хира тортиб қолади.

Гулли вазалар чўтка билан ювилиб, сочққа артилади.

Ойна ёки кузгуларни ва устига ойна қопланган суратларнинг чангини жун латта билан артилади. Газета қоғози билан артиладиган бўлса, ойнаси тирналиши мумкин.

Сирланган, олтин суви югуртирилган ёки рангдор чинни идишни ювганда кир ювиш воситасини ишлатмаслик керакки, акс ҳолда ранги кетиб қолади.

Эскирган доғларни кетказиш қийин, чунки доғ сингиб ўтиб ҳаво, чанг ва бошқа омиллар таъсирида кетмайдиган бўлиб қолади. Шу сабабли, кийимга тушган доғни дарҳол кетказиш керак.

Қон доғи совунли илиқ сувда ювиб кетказилади.

Эскирган қон доғини кетказиш учун газламани суолтирилган новшадил спирти ёки оддий спирт билан хўллаб, кейин тоза сувга чайилади.

Атир доғини кетказиш учун илиқ глицеринга пахта хўллаб суриб ишқаланади, кейин илиқ сувда чайилади.

Мум, парафин ва куй ёғининг доғи пичоқда сидириб олинади, доғ ўрнига эса сиеҳ шимадиган қоғоз қўйиб, дазмолланади.

Оила

59 Ёшда

Тошкентлик, иймон-эътиқодли, тушунган, бамаъни киши. Соғлом-бақувват. Фарзандларидан тинчиган, аёли вафот этган. Ўзига муносиб, меҳрибон, мушфиқ вафодор (1-2 фарзандли бўлса ҳам майли) аёлини умр йўлдошликка излайди.

«Оила-469».

55 Ёшда

Оллоҳга минг бор шукрлар бўлсинки, ҳаётимдан шодман. Соғ-саломат, хотиржам, тўла-тўқисман. Лекин қанот жуфт бўлади деганлари рост экан, бутун шодлигим, бойлигим ўзимга татимайди. Узок туңлар суҳбатдош, бир дунда чой устида яқин бир ҳамроҳинг бўлмаса ҳаммаси бекор экан.

Оққунгил, маънавий гўзал бир аёлни излайман. Қолган умримни унга бағишлаб, тинч-фаровон яшаб ўтишни орзу қиламан.

«Оила-470».

ЕРЁНҒОҚНИ БИЛАСИЗМИ?

Ерёнғоқнинг асд ватани Марказий Америкадир. Кейинчалик Хитой орқали Оврупо мамлакатларига тарқалган. Шунинг учун унинг мевасини «Хитой ёнғоғи» деб ҳам аташган. Ерёнғоқ ҳозирги кунда бир қатор мамлакатларда етиштирилади. Ундан озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган сифатли, мазали, ҳидли арахис мойи олинади. Бу мойдан маргарин, қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Кунжараси майдаланиб, унга қорилгандан кейин ҳолвага қўшилади.

Ерёнғоқнинг таркибида 60 фоизгача мой, 25 фоиз оқсил, 18 фоиз қарбон сувлари, биотин, В, Е дармондориси, патотен кислота ва бошқа моддалар бор. Мева қўбигидан гликозид-арахидозид моддаси ажратиб олинади. Мойи таркибида эса паришонхонтриликка қарши доривор линолен кислотаси бор. Мойи сариқ рангли бўлиб, ўзига хос хушбўйликка эга, узок вақт мобайнида ҳам қотиб қолмайди. Ерёнғоқ мағзи болаларда учрайдиган экссудатив диатез қараладиган даво бўла олади.

Ерёнғоқ жинсий эндокрин безларга таъсир этиш орқали, қувват-бахш восита саналади. Шунингдек, асаб тизимини, мия, юрак, жигар фаолиятини ҳам мустаҳкамлайди. Сезгини кучайтиради.

Ерёнғоқни меъда-ичак касалликларига чалинган беморлар истеъмол қилмаганлари маъқул, чунки унинг таркибидаги клёнка таъом ҳазм қилиш аъзоларидаги шиллиқ пардани яллиғлантириши ва қоринни дам қилиши мумкин. Қуввати юқори бўлганлиги сабабли озишни хоҳловчилар уни камроқ истеъмол қилганлари маъқул.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришӯнос

ТАДБИРКОРЛАР, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ФИРМАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Оила ва жамият» газетаси кўп нусхада, бутун республика бўйлаб тарқатиладиган мухлисларга бой оливайи ҳафталик газетадир. Шунинг учун сиз реклама, эълон ва билдирувларингизни «Оила ва жамият»да чоп эттирсангиз, тезда ишингиз юришиб, ўзингизга ишончли шерик ва ҳамкорлар топишингиз мумкин.

Табрик ва хусусий эълонларнинг бир босма белгиси (харф, тиниш белгиси) — 80 тийин. Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. «Оила» эълонининг баҳоси — 150 сўм.

Вилоятларда яшайдиганлар қуйидаги ҳисоб рақамига банк муассасаси орқали пул утказиб, тўлов қоғозининг нусхаси ҳамда табрик ва эълон матнини почта орқали жўнатишлари мумкин:

Саноат-қурилиш банкнинг Тошкент шаҳри Шаҳристон бўлими, ҳисоб рақами 002609733 корреспондент ҳисоби 300166018 МФО 172612318.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 6-қават, 605 ва 609-хоналар ёки Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси биносидан (мўлжал Олой бозори). Телефонлар: 36-56-52; 34-86-91.

Чойни опкелинг...

Ш.Қорабоев олган сурат

ШАҲРИКЛАЙМИЗ!



Қадрли укам Ҳабибуллоҳ МАДАЛИЕВ!

Сизни 21 октябрда 21 ёшга тўлишингиз билан муборакбод этаман. Ҳаёт йўлингиз ойдан бўлсин, элнинг суйган фарзанди бўлинг. Яна сизга кўндан-кўн

яхши тилаклар тилаб қолувчи шоир акангиз Мухаммад ЮСУФ.

Кимдир биров ёшингни сўрди,
Қандай золим экан, алҳазар.
Юрагимга гўё тик урди,
Айт, ёшингни сўрамасинлар.
Ярашмайди қаримоқ сенга,
Ёшинг сўраб қаритмасинлар.
Солмасинлар уни эсингга,
Ёшлигингни аритмасинлар!

ДИЛБАР!

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга соғлиқ, бахт, узок умр тилайман. Доимо соғ-омон юринг. Оллоҳ сизга ёр бўлсин.

ЭРКИНЖОН.

Ширинтой жияним АБДУЛАЗИЗ!

5-баҳоринг муборак. Оллоҳ сенинг умрингни узок, ризқингни бутун қилсин, барқамол ўғлон бўлиб ётишгин. Ҳеч қачон лабиндан кулгу, юзингдан табасум аримасин.

Холанг ГУЛНОРА.



Бир ҳафта бўлди, Ҳасан япалоқ Азлар чўтирининг томга чиқиб олган. Ҳамон тушолмайди. Томни дупурлатиб у ёққа боради, дупурлатиб бу ёққа келади, Суфидай тўрт тарафга қараб «азон» айтади:

— Илов, Азлар чўтирининг боласи барака топмасин! Э, худо, чўтирининг томини тешиб, мени хотиним билан қовуштир!..

Япалоқнинг хотинига томнинг нима дахли бор, дейсизми? Гап бундай.

Бир ҳафта бурун Азлар Чўтир ўғлини уйлантирди. Камбагалнинг туйи фақирона бўлса-да, қувноқ ва самимий утади. Қуни-қушни роса ярайди. Тонготаргача уйнайвериб, туйхонани шудгор қилиб юборишди. Чўтирининг икки хум мусалласи бор экан, маҳалла йигитлари эмаклаб қолганча ичишди, Ҳасан япалоқ ён қушни эмасми, хизматда олиб юриб, газаксиз ичаверибди. Бир вақт кайфи ошиб қолиб, нарвонга ёпишибди.

— Ҳи, япалоқ, йул бўлсин? — деди оғайилларидан бири.

— Том-га чиқиб... шу-шу кел-ин-куёв-га минг лира бахш-шаш қил-ламан...!

Уни биродарлари ўраб олишди.

— Хув, эсингни едингми? Шу кунларда томга чиқадиған аҳволдамисан?

— Ҳа-я, ўзинг яқинда ишга кирдинг.

— Жа бўлмаса, 50 лира ташла, майли.

Биров ширин маст бўлади, биров... Ҳасан кейинги тоифага мансуб эди. У «Йуқ!» деб бош чайқайди-ю, имиллаб томга чиқди. Бугот ёнига келиб бақирди:

— Хув, хал-лойиқ, эшитинлар! Ҳозир мен... Ҳик... м-минг лира ташлайман!..

Биров кулди, биров ёқа ушлади. Чунки минг лирани ё девона, ё миллионер ташлаши мумкин эди.

Кимдир учирик қилди:

— Япалоқ! Мабодо минг лира ташлабмасанг-чи, унда нима бўлади?

Ҳасан япалоқ мастона букирди;

— Таш-таш-шайламай томдан тушсам... хотиним талоқ бўлсин!!!

Туйхона бир гувранди. Япалоқнинг хотини бетини чангаллади. Ҳамма томга тикилди. Япалоқ талтанглаб ўнг чўнтагини қовлади, кейин сўнг чўнтагини. Ҳеч вақо йуқ. Ниҳоят, унинг ён киссасидан эзилган 50 лира чиқди Япалоқ пулни қаттиқ сикимлади, оғир чайқалди, калласини сарак-сарак қилиб гандираклади-ю, гуп этиб томга ўтириб қолди. Пастдан кулги, қийқирик, қарғиш эшитилди.

Япалоқ шу ётганча донг қотиб ухлаб қолди. Эрталаб қузини очса, ёнида хотини йиглаб ўтирибди.

— Энди нима қиламиз, Ҳасан? Мен бечора қайга бораман?

— Нима деб алжираяпсан? Ҳеч қаерга бормайсан. Нег мени ерга ўтказдинг, шолча солмайсанми?

— Шолча. Ҳасан, сен бировнинг томида ўтирибсан.

Ҳасан атрофига аланглади.

— Мени бу ерга ким чиқади, хотин?

— Ўзинг чиқдинг. Энди мени хотин дема, мен сенга бегонаман.

Хотин қуйиб-ёниб тунги воқеани айтиб берди.

Ҳасан пешонасига шалпоқ урди!

— Худо қушқуллаб уриб қуйибди мени, хотин!

— Мени хотин дема, Ҳасан, отимни айт...

— Ҳўп, Захро. Менга бир ёлғик сув бер, қалам ёрилиб кетяпти.

Захро уйига тушиб сопол кузада сув олиб чиқди. Ҳасан қузани бошига кутарди, бет-қулини ювди. Сўнг отдай пиш-

қириб сўради:

— Энди нима қиламиз, хот...э, Захро? Сендан айрилгунча ўлганим яхши.

— Билмасам, Ҳасан, — деди Захро ер чизиб, — уйда 90 лирадан бўлак бир қуруш ҳам йуқ.

— Мендаги билан 140. Демак, яна 860 лира керак экан-да, Захро?

— Ҳа... — Захро ўх тортиди, — 860 лира учун сендай йигит бир ой белини букиб ишлайди. Нимага мени уртага қуйиб қасам ичдинг, Ҳасан?

— Мастликда, Захро, мастлик. Эсимни еб қуйибман.

— Ахир ўзинг айтардинг-ку, мастлик тўқларга ярашади, деб.

Ҳасан миқ этмади.

Кун кутарилди. Кўчадан одамлар ута бошлади. Нотанишлар том бошида тумтайиб ўтирган эркак билан аёлга қараб хайрон бўлишди, танишлар «Ҳа, япалоқ, келин-куёвга қоровуллик қиялпсанми?» деб кулишди. Захро қизаради. Ҳасан гижинади. Аммо чурқ этмади.

Ниҳоят, Ҳасан огиз очди:

— Уйда... сотгулик ҳеч нарса қолмадими?

— Бор, бор! — қўл силтади Ҳасан, —

га қўл очди:

— Илов, айтганинг келмасин. Болагинамнинг бири минг бўлсин, сен билан менинг йуқ-юқалигимиз унга юқмасин, Оллоху Акбар!.. Хўш, япалоқ, томдан тушмайдиларми энди?

— Минг лира берсанг тушаман, — деди ётган ерида Ҳасан.

— Аввал сен ваъда қилган минг лира-ни ташла ҳовлимга, мен сенга икки қўлаб тутказай.

Ҳасан иргиб турди:

— Хув чўтир, сен Хўжа Насриддиннинг ўзи экансан-ку! Бир одам Насриддинга битта жўжа бериб турмайсанми, деса, майли, товўқ билан тухум олиб ке, очтириб бераман, деган экан. Минг лирам бўлса, том бошида томоша бўлиб ўтирармидим?!

Азлар чўтирининг тагин бир пас «афсона» талашгиси бор эди-ю, пастдан қайчириб қолишди. У нарвонда туриб пўписа қилди:

— Бугунча майли, ета қол. Аммо эртага томини бушатиб қуй. Ўғлимнинг жаҳли ёмон. Туйнуқдан муралаганини ёқтирмайди.

— Бор, бор! — қўл силтади Ҳасан, —



— Ўзинг биласан-ку, Ҳасан, қолмади-хисоб. Уч ой касал бўлдинг. Дори-дармонга деб қўлга илинган нарсани сотиб бўлдинг. Туйимизда олиб берган яшил маржонинг бор.

— Йуқ, йуқ, унга тегма, — деди шошиб Ҳасан, — менинг қузим у... Ота-онангичига бориб келасанми? Қарз қилиб туришсин. Тун-кун ишлаб, икки ойда узаман.

— Борганим билан фойдаси йуқ, Ҳасан. Бор бўлса, улар биздан аямайди, биласан. Ўзлари қисир сигирнинг қўруғига қараб ўтиришибди.

Ҳасан умид билан қай томонга қўл чўзса, қўли ҳавода муаллақ осилиб қолаверди. Охири Захро ўрнидан турди.

— Мен у — бу олиб қикай, Ҳасан. Қорнинг ҳам очгандир.

Захро бир соатларда ярим кузача хошаф² билан ёрма талқон кутариб чиқди. Захро кетди. Ҳасан рўхсиз тамадди қилди. Кейин чопонини ёйиб қузилди. Кузларини юмди. Уни ҳавф элитди. Камбагалнинг кўнгли пошшо. Камбагал кўнглида сувдан ҳалво ясайди, юлдузларнинг шўъласига исинади, ерга қуноқ сепса бугдўй бўлиб чиқади...

— Хув япалоқ, бемалол ётишингдан бу яқин орада томдан тушмайдиганга ухшайсан-ку?!

Япалоқ қузини очди. Тепасида илжайиб Азлар чўтир турарди.

— Сен касофат туй қилмаганингда бу чолдеворингга тушимда ҳам оёқ босмасдим. Илов, ўғлингнинг бири икки бўлмасин.

Азлар чўтир чопон четига ўтириб, дуо-

ўғлингга айт, жаҳлига этагимни қокдим. Кечкурун уфатлари келишди. Захро олиб чиққан бир қумгон чойни майдалаб, анчагина гурунглашиб ўтиришди.

Кетар маҳал Али қовуш чўнтагига қўл солди:

— Мана, 38 лира, Ҳасан. Топсам яна бериб юбораман.

Салим сариқ белбоққа 27 лира ташлади:

— Болаларимнинг оғзидан йириб олиб келдим, япалоқ. Кўп ўрнида қурсан.

Амат қорақўз 30 лирага қўшиб, эғнидаги жуббасини³ ечиб берди:

— Захрога айт, отана сотсан Яннимас, аммо йирти йуқ.

Ҳасан дўстларини кузада ёш билан қузаиб қолди. Эрталаб Захро иккаси жуббаси кўришса, жами

пул 300 лирага ҳам етмайди. Ҳасан ўх тортиб, маст туйдай калта чақайди.

Тонг отанга бугунда Азлар чўтирининг боши қуринди.

— Ма, қувадан сенга сийлов, — деб 65 лира қузади, — Барака топкур, бир илҳовани қилиб томдан туш энди. Келиним дугур-дугурдан қўриб-ўқ-лёмаяпти.

— 620 лира топиб берсанг, ҳозир тушиб кетаман.

— Янни сотангирмасанг, раисни⁴ қақираман...

— Мана буням раисингга обориб бер! — Ҳасан пулни отиб юборди. Азлар чўтир унинг мушти тугилганини қўриб, қўрт бурилди-ю, нарвондан тикка қўриб кетди. Пастда туриб, яна дағдага қилди. Ҳасан жавоб бермади, Азларнинг ақчасини олиб, чопонининг тагига қистирди.

У томда яна икки кун ўтирди. Икки кунда қуни-қушни, қариндош-урундан тагин икки юз лирача пул йигилди. Аммо минг лирага ҳали узоқ эди.

— Буш ҳовузга қошиқлаб сув қуйгани билан тулмайди, — деди бир кун Ҳасан Захрога, — майли, эрга тегавер, хотин, мен розиман. Томдан тушганидан кейин қайта никоҳлаб оларман...

Захро қўз ёш қилди:

— Эрга теккунча қаро ерга кирганим маъқул, Ҳасан...

Захро кетди-ю, уч соатларда қайтиб чиқди. Унинг қўлида кичкина бугча бор эди.

— Мана, 790 лира, — деди у бугчани ерга қуйиб.

— Бунча пулни... қайдан олдинг?

— Маржонимни сотдим.

— Мен сенга нима деган эдим?

— Маржон топилади, Ҳасан, бизга сен кераксан. Яна бир кун Ҳасан томдан тушмасанг, ҳолимиз не кечади...

Ҳасан эғнидаги кийим-бошини, чоригини ечиб отди.

— Ма, буларини сот! Уйда нимаики қўлингга илинса, бари-ни сотавер! Ўзинг қолсанг, болаларинг қолса бўлди!

— Ярим яланғоч ўтиргани... уялмайсанми, Ҳасан?

— Уялмайман! Камбагалда уят нима қилсин? Сассиқ кекирдак бўладиғанлар уялсин!..

Кечаси Ҳасан тўтоқиб томини тепкилайверди. Азлар чўтирининг уйидағилар ҳовлига кучиб чиқди. Шовқинга қушлар киришди. Чўтир зингиллаб бориб, раисни қақириб келди. Раис, Ҳасан билан икки оғиз гаплашди-ю, «Ёмон дардга йулиқибсан, бизнинг юрта қасам ичиб бўладими?» деб қайтиб кетди.

... Бир ҳафта ўтди. Ҳасан япалоқ ҳамон томда. Яланғоқ, сарпоячан. Кун бўйи тақир ерда ёнбошлаб ётади. (чопонини ҳам гаровга қўйган). Гоҳо тулиқиб кетган пайтларида сакраб туради-ю, телбадай тўрт тарафга қараб қичқиради:

— Э, худо, борлигинг рост бўлса, 130 лира етказ! Лаянати чўтирининг ҳовлисига ташлаб, бола-чақамнинг дийдорига туйай!..

4. Раис — тартиб-интизом сақловчи амалдор.



Қайсини сўяй?..

1. Турклар туйда томга чиқиб сочқи сонадилар.

2. Хошаф — ивितилган ўрик суви.

3. Жубба-ятак, аврасиз тун.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САФАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0591 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.